

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ  
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ  
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Ped.48.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ  
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ  
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

**ИМОМОВ МУСУРМОН ПИРНАЗАРОВИЧ**

**ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ  
КАСБИЙ МАДАНИЯТИНИ КОМПЕТЕНЦИЯВИЙ ЁНДАШУВ  
АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.05 - Касб-ҳунар таълими назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
pedagogical sciences**

**Имомов Мусурмон Пирназарович**

Профессионал таълим муассасалари ўқувчиларининг касбий маданиятини  
компетенциявий ёндашув асосида ривожлантириш методикасини  
такомиллаштириш.....3

**Имомов Мусурмон Пирназарович**

Совершенствование методики развития профессиональной культуры  
учащихся профессиональных образовательных учреждений на основе  
компетентностного подхода..... 23

**Imomov Musurmon Pirnazarovich**

Improving the methodology for the development of professional culture of students  
of professional educational institutions on the basis of a competence based  
approach.....45

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....49

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ  
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ  
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Ped.48.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ  
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ  
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

**ИМОМОВ МУСУРМОН ПИРНАЗАРОВИЧ**

**ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ  
КАСБИЙ МАДАНИЯТИНИ КОМПЕТЕНЦИЯВИЙ ЁНДАШУВ  
АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.05 - Касб-ҳунар таълими назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/Ped104 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация педагогик инновациялар, касб-хунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.iipro.uz](http://www.iipro.uz)) ҳамда «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Химматалиев Дўстназар Омонович**  
Педагогика фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Тўрақулов Олим Холбутаевич**  
Педагогика фанлари доктори, пофессор

**Маматов Дилмурод Нормуродович**  
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат техника университети**

Диссертация ҳимояси педагогик инновациялар, касб-хунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Ped.48.01. рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76-уй.) Тел.: 71-246-92-17; факс: 71-246-90-37; e-mail: [pedagogikinnovatsiyalar@edu.uz](mailto:pedagogikinnovatsiyalar@edu.uz);)

Диссертация билан педагогик инновациялар, касб-хунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76-уй.) Тел.: 71-246-92-17; факс: 71-246-90-37).

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Ш.Э. Қурбонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

**С.Ю.Ашурова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.н., профессор

**Қ.Т.Олимов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда таълим, ижтимоий-маданий муносабатлардаги туб ўзгаришлар, жамиятнинг глобаллашуви ва ахборотлашуви шароитида профессионал таълимни модернизациялашга оид инновацион ёндашувлар (Темпус ва Erasmus+ дастурлари, Европа Кенгаши таълим сиёсатининг концептуал қоидалари) таълимнинг интеллектуал, маданий, ижтимоий ва техник асосларини мустаҳкамлашга қаратилган бўлиб, бўлажак мутахассисларда касбий маданиятни компетенциявий ёндашув нуқтаи назардан ривожлантириш концепциясини макро-, мезо- ва микро даражаларда жорий этиш заруратини тақозо этмоқда. Шу боис постиндустриал жамиятнинг мутахассис профессионализмига қўйиладиган талаблари асосида профессионал таълим муассасалари ўқувчиларининг касбий маданиятини компетенциявий ёндашув асосида ривожлантириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Халқаро педагогик тажрибаларга кўра профессионал таълим муассасаларида ўқувчиларнинг интеллектуал маданиятини (Intellectual culture), касбий маданиятини (professional culture) компетенциявий ёндашув асосида ривожлантириш, таълим сифати ва самарадорлигини ошириш ва таълимда инновацион ёндашув ва технологияларга асосланган касбий фаолиятни тарғиб қилиш, уларда шахсий ва касбий сифатларни, фалсафий ва касбий қарашларни, касбий маданиятни ривожлантириш борасидаги илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур йўналишларнинг назарий ва амалий асосларини ишлаб чиқиш, унинг психологик-педагогик омиллари ва шарт-шароитлари, мазмуни ва тузилмасини аниқлаш, ижтимоий янгиланиш ва маънавий юксалишлар даврида ҳар томонлама етук, касбий маданияти юксак мутахассисларни тайёрлаш заруратини тақозо қилади.

Мамлакатимизда ҳар томонлама камол топган, юксак касбий маданиятига ижодий, ижтимоий фаолликка эга бўлган, жамият, давлат, оила олдида ўз жавобгарлигини ҳис этадиган шахсларни тарбиялашда амалга ошириладиган ислохотларнинг асосий мақсади ҳамда ҳаракатлантирувчи кучи сифатида қаралмоқда. Зеро, профессионал таълим тизимини илғор хорижий тажрибалар асосида такомиллаштириш, бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим босқичларини жорий қилиш орқали меҳнат бозори учун малакали ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш<sup>1</sup> устувор вазифа сифатида белгиланган. Бу долзарб масалани ҳал этиш учун эса таълим муассасалари, айниқса, профессионал таълим муассасаларида касбий таълим-тарбияни ташкил этишнинг инновацион технологияларини ишлаб чиқиш, педагогик изланишлар олиб бориш тақозо этилмоқда. Ана шу муаммонинг долзарблигидан келиб чиққан ҳолда, профессионал таълим муассасалари ўқувчиларининг касбий маданиятини компетенциявий ёндашув асосида

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5812-сон “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. <https://lex.uz/docs/4500926>

ривожлантириш муаммосини илмий-педагогик нуқтаи назардан ўрганиш зарурлиги тадқиқот мавзусини белгилаб берди. Бу эса профессионал таълим муассасаси ўқувчиларининг касбий маданияти компонентларини узлуксиз ривожлантиришда компетенциявий ёндашувни жорий этиш методларини ишлаб чиқиш ва ушбу жараёнга таъсир кўрсатувчи психологик-педагогик, дидактик ва ижтимоий омилларни аниқлаш, касбий маданиятнинг ривожланганлигини баҳолаш мезонларини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5812-сон “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ва 2018 йил 25 январдаги ПФ-5313-сон “Умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунара таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари ва 2020 йил 31 декабрда қабул қилинган “Малакаларни баҳолаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва меҳнат бозорини малакали кадрлар билан таъминлаш чора тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-4939 сонли қарори ҳамда Ўзбекистони Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2020 йил 7 августдаги 466-сон “Ўзбекистон Республикасида узлуксиз бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим тизимини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” қарори аа мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Профессионал таълими муаммолари, бўлажак мутахассисларни касбга йўналтириш, касбий фаолиятга тайёрлаш, шахсий ҳамда касбий компетентлик сифатларини ривожлантириш масалалари Х.Абдукаримов, М.А.Инназаров, Н.А.Муслимов, Ё.Р.Нажмиддинова, О.А.Кўйсиров<sup>2</sup> томонидан ўрганилган бўлса, Р.А.Абухайиров, М.Ю.Маҳкамова,

---

<sup>2</sup> Абдукаримов Х. Профессиональное воспитание личности учителя в процессе непрерывного педагогического образования: автореф. дис. ... докт. пед. наук. – Т.: 1997. – С. 19; Инназаров М.А. Малака ошириш тизимида педагог кадрлар касбий компетентлигини ташхислаш ва баҳолаш технологиялари: пед.фанл.бўйича ... фалсафа доктори (PhD) ... дис. – Т.: 2020. – 27-б.; Муслимов Н.А. Касб таълими ўқитувчиларини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари: пед.фан.докт. ... дис. – Т.: 2007. – 46-131-б.; Нажмиддинова Ё.Р. Коллеж ўқувчиларида касбий кўникмаларни шакллантириш методикасини компетенциявий ёндашув асосида такомиллаштириш: пед.фанл.бўйича фалс.докт. ... дис. – Т.: 2019. – 29-б.; Кўйсиров О.А. Компетентли ёндашув асосида

Б.Р.Джураева, Д.О.Химматалиев<sup>3</sup> кабиларнинг ишларида бевосита касбий маданият, бўлажак мутахассисда касбий, хусусан, мулоқот маданиятини самарали шакллантириш, бунда таълим жараёни имкониятларини ҳисобга олиш ҳамда миллий кадриятларга таяниш муаммолари ёритиб берилган.

МДХда касбий маданиятнинг ижтимоий ва шахсий кадрият, шунингдек, касбий маҳоратнинг “юқори чўққиси” сифатида эътироф қилиниши, касбий компетентлик ҳамда касбий маданиятнинг ўзаро алоқадорлиги, турли йўналишларда тайёрланадиган мутахассисларда касбий маданиятни шакллантириш ҳамда ривожлантиришнинг когнитив-эмпирик асослари Р.Н.Абрамов, Е.В.Бондаревская, Л.В.Елагина, В.Г.Рындак, А.К.Маркова, О.С.Матвеева, Т.И.Образцова, О.В.Павлова, Т.А.Третьякова, Ю.В. Шаронин, М.Ю.Шинина, Е.Ярская-Смирнова<sup>4</sup> томонидан олиб борилган илмий изланишлар учун тадқиқот йўналиши сифатида танланган.

Хорижий мамлакатларда бўлажак мутахассисларнинг касбий маданиятини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш муаммолари бўйича Arnold, Jason Diamond (Арнольд, Жейсон Даймонд), Chris Watling (Крис Уотлинг), Erik Driessen (Эрик Дриссен), Cees Van der Vleuten (Сис Ван дер Влейтен), Meredith Vanstone (Мередит Ванстон), Pierce, James Gerard

---

бўлажак ўқитувчиларнинг касбий-педагогик ижодкорлигини ривожлантириш технологиялари: пед.фанл. бўйича докт. (DSc) ... дис. – Т.: 2019. – 25-41-б.

<sup>3</sup> Абухайиров Р.А. Меҳнат таълими ўқитувчисининг касбий-педагогик маданияти: пед.фанл. бўйича фалс.фанл.докт. ... дис. –Т.: 2019. – 10-б.; Джураева Б.Р. Формирование педагогической культуры будущих учителей в процессе изучения дисциплин педагогического цикла: автореф. ... канд.пед.наук. – Т.: 2002. – С. 11-14.; Маҳкамова М.Ю. Бўлажак тарбиячиларнинг педагогик мулоқот маданиятини шакллантириш: пед.фанл.ном. ... дис.автореф. – Т.: 2002. – 21 б.; Химматалиев Д.О. Ўқув-тарбия жараёнида ўқувчиларнинг касбий маданиятининг миллий кадриятлар асосида шакллантириш: пед.фанл.ном. ... дис. – Т.: 2003. 150-б.

<sup>4</sup> Абрамов Р.Н. Профессиональная культура российских инженерно-технических специалистов: универсальные элементы // Ж. Социологические исследования. – СПб.: 2016. - № 9. – С. 96 -104.; Бондаревская Е.В. Педагогическая культура как общественная и личная ценность // Ж. Педагогика. – М.: 1999. - № 3. – С. 37-38.; Елагина Л.В., Рындак В.Г., Шаронин Ю.В. Профессиональная культура и профессиональные компетенции специалиста: от анализа взаимосвязи к практике формирования // Ж. Среднее профессиональное образование. – М.: 2008. - № 5. – С. 52.; Маркова А.К. Психология профессионализма // <http://www.p-lib.ru/pedagogika/markova-psihologiya-professionalizma/index.html>.; Матвеева О.С. Развитие культуры профессионального мышления студентов колледжа: дис. ... канд.пед.наук. – Челябинск: 2012. – С. 28.; Образцова Т.И. Сущность, функции и принципы профессионального обучения // <https://uchportfolio.ru/articles/read/1027>.; Павлова О.В. Формирование профессионально-этической культуры студентов вузов: дис. ...канд.пед.наук. – Саратов: 2020. – 200 с.; Профессиональная культура: опыт социологической рефлексии / Под ред. Е.Ярской-Смирновой. – М.: ООО “Вариант”, 2014. – 148 с.; Третьякова Т.А. Формирование профессиональной культуры будущих инженеров ландшафтного дизайна // Прилож., к журн. “Профессиональное образование. Столица”. Серия: “Новые педагогические исследования”. – 2007. - № 6. – С. 171.; Шинина М.Ю. Формирование опыта профессиональной культуры специалиста правовой сферы // Ж. Среднее профессиональное образование. – М.: 2007. - № 11. – С. 63.

(Пирс, Жеймс Жерард), Szeto, Elson (Сзето, Элсон)<sup>5</sup> каби мутахассис олимлар томонидан илмий тадқиқот ишлари олиб борилган.

Педагогик изланиш ва таҳлиллар шуни кўрсатадики, коллеж ўқувчиларида касбий маданиятни шакллантириш бўйича кўплаб илмий-тадқиқот ишлари бажарилган бўлса-да, лекин профессионал таълим жараёнида ўқувчиларда касбий маданиятни компетенциявий ёндашув асосида ривожлантириш муаммоларига деярли эътибор қаратилмаган, касбий маданиятни ривожлантириш жараёнида замонавий педагогик дастурий воситалар, техника ва технологиялардан фойдаланиш имкониятлари тўлиқ очиб берилмаган. Бу номувофиқликлар **“Профессионал таълим муассасалари ўқувчиларининг касбий маданиятини компетенциявий ёндашув асосида ривожлантириш методикасини такомиллаштириш”** деб танлашга асос бўлди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими кадрларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти илмий-тадқиқот ишлари режаси ИТД-1 “Ёш авлодни касб-хунарга йўналтиришнинг педагогик-психологик асослари” (2013-2014 йй.), ЁА-1-16 “Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимидаги раҳбар ҳамда педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича малакавий даражасини квалиметрик баҳолаш” (2016-2017йй.) мавзусидаги амалий тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқот мақсади** профессионал таълим муассасалари ўқувчиларида касбий маданиятни компетенциявий ёндашув асосида ривожлантириш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

профессионал таълим жараёнида ўқувчилар касбий маданиятини шаклланиши ҳолатини ўрганиш ва уни компетенциявий ёндашув асосида ривожлантиришнинг психологик-педагогик омиллари ва шарт-шароитларини аниқлаш;

коллеж ўқувчиларида компетенциявий ёндашув асосида касбий маданиятни ривожлантиришнинг назарий концептуал тизимига асосланган методик моделини ишлаб чиқиш;

коллеж ўқувчиларини компетенциявий ёндашув асосида касбий маданиятни ривожлантириш методикасини такомиллаштириш ҳамда услубий-методик таъминотини ривожлантириш;

профессионал таълим муассасалари ўқувчиларида касбий маданиятнинг

---

<sup>5</sup> Arnold, Jason Diamond. Cultivating A Culture Of Professional Growth // <https://blog.inspiresoftware.com/cultivating-a-culture-of-professional-growth>; Beyond individualism: Professional culture and its influence on feedback / Chris Watling, Erik Driessen, Cees Van der Vleuten, Meredith Vanstone // [https://www.researchgate.net/publication/236688813\\_Beyond\\_individualism\\_Professional\\_culture\\_and\\_its\\_influence\\_on\\_feedback](https://www.researchgate.net/publication/236688813_Beyond_individualism_Professional_culture_and_its_influence_on_feedback); Pierce, James Gerard. Organizational Culture and Professionalism: An Assessment of the Professional Culture of the U.S. Army Senior Level Officer Corps // <https://etda.libraries.psu.edu/catalog/6417>; Szeto, Elson. Influence of professional cultures and principal leadership effects on early-career teacher leadership development in Hong Kong schools // <https://www.tandfonline.com/doi/abs/10.1080/19415257.2020.1770837>.



ривожланганлик даражасини баҳолаш мезонлари ва методикасини такомиллаштириш.

**Тадқиқот объекти** профессионал таълим муассасаси ўқувчиларнинг касбий маданиятини компетенциявий ёндашув асосида ривожлантириш жараёни.

**Тадқиқот предмети** профессионал таълим муассасаси ўқувчиларининг касбий маданиятни компетенциявий ёндашув асосида ривожлантиришнинг мазмуни, шакли, метод ва воситалари.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида мавзуга оид психологик-педагогик адабиётларни ўрганиш, профессионал таълим бўйича Давлат таълим стандартлари (ДТС) нинг таҳлили, тарихий-қиёсий таҳлил, кузатиш, ижтимоий сўровномалар ўтказиш, умумлаштириш, профессионал таълим муассасаси ўқувчиларини касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнини таҳлил қилиш, педагогик ташхислаш ва прогноз қилиш, педагогик тажриба-синов ишларини олиб бориш ва натижаларга математик-статистик қайта ишлов беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

профессионал таълим муассасалари ўқувчилари касбий маданиятининг мотивацион-қадриятли, когнитив ва фаолиятли компонентларини компетенциявий ёндашув асосида ривожлантиришнинг ахборот дидактик таъминоти тизимли режалаштириш, дидактик таъсирлар мажмуи, ўзаро мувофиқлаштириш орқали психологик омиллар ва педагогик шарт-шароитларнинг узвийлигини таъминлаш натижасида мазмунан ривожлантирилган;

профессионал таълим муассасалари ўқувчиларининг касбий маданиятини компетенциявий ёндашув орқали ривожлантиришнинг концептуал тизимига асосланган методик модели рефлексив компетентли сифатлар ҳамда касбий маданият тузилмаси методологик, назарий, илмий, ижтимоий-педагогик, қадриятларга устуворлик бериш асосида ишлаб чиқилган;

профессионал таълим муассасаси ўқувчиларида касбий компетентлик сифатлари, интеллектуаллик, психологик, физиологик, маънавий-ахлоқий етукликни ҳамда технологик, коммуникатив ва конструкторлик компетенцияларини шакллантириш орқали касбий маданиятни ривожлантириш методикаси компетенциявий ёндашув асосида такомиллаштирилган;

бўлажак мутахассисларнинг касбий компетентлик ва мутахассисликка хос сифатларини, таянч ҳамда касбий компетенцияларини баҳолаш воситаларини компетентли ёндашув асосида ишлаб чиқиш орқали ихтисослик, махсус ва техник билимлар узвийлигида касбий маданиятининг ривожланганлик даражаларини баҳолаш механизмлари оптималлаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

профессионал таълим муассасалари ўқувчиларида касбий маданиятни ривожланганлик ҳолати, психологик омиллари ва педагогик шарт-шароитлари аниқланди; профессионал таълим муассасалари учун “Педагогик

технология” номли ўқув қўлланма ҳамда “Ўқувчиларнинг касбий маданиятини шакллантириш технологияси” номли услубий қўлланма ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган;

профессионал таълим муассасалари ўқувчиларида касбий маданиятни компетенциявий ёндашув асосида ривожлантиришга қаратилган ташкилий-методик чора-тадбирларни такомиллаштириш механизми таклиф этилган; ўқувчиларда касбий маданиятни компетенлик нуқтаи назаридан ривожлантириш жараёнида ўзини ўзи ривожлантириш ва такомиллаштиришга мотивация уйғотиш методлари, профессионал таълим муҳитининг барқарор ривожланиши ва бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлашни ўз ичига олган услубий-методик таъминоти ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган;

профессионал таълим муассасалари ўқувчиларида касбий маданиятни ривожлантириш мазмуни ва методларини такомиллаштиришга доир ўқув ресурслари яратилган; ўқувчиларда касбий маданиятни компетенциявий ёндашув асосида ривожлантириш методикаси ишлаб чиқилган; ўқувчиларда касбий маданияти ривожланганлигини баҳолаш мезонлари ҳамда методикаси такомиллаштирилган; касбий маданиятни ривожлантириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** ОАК рўйхатидаги хорижий ва миллий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, республика ва халқаро миқёсидаги илмий конференция материаллари, шунингдек диссертацияда фойдаланилган маълумотлар расмий манбалардан олинганлиги, таҳлил ва тажриба-синов ишларининг самарадорлиги математик-статистика методлар воситасида қайта ишланганлиги ҳамда асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсиялар ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти профессионал таълим муассасалари ўқувчиларининг касбий маданиятини ривожлантириш жараёнини такомиллаштириш бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва чора-тадбирлар дастурларини тайёрлашда, методик ишларнинг мазмуни ва сифатига қўйиладиган давлат талабларини ишлаб чиқишда, шахсий-фаолиятли инновацион ёндашувлар асосида “Металларга ишлов бериш технологияси” ўқув фанидан ташкил этиладиган машғулотлар самарадорлигини оширишда методик манба сифатида фойдаланилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти профессионал таълим муассасаси ўқувчиларининг касбий маданиятини компетенциявий ёндашув асосида ривожлантиришнинг методик модели (ташкилий-педагогик тузилмаси) тавсия этилган бўлиб, профессионал таълим учун мўлжалланган ўқув дастурлари, ўқув-методик қўлланмалар, электрон ва бошқа дидактик воситаларнинг методик аппаратини ишлаб чиқишда ҳамда профессионал таълимда (методик бирлашмалар) ишлаб чиқариш таълими усталари, ўқитувчилар, малака ошириш ва қайта тайёрлаш ҳудудий марказлари профессор-ўқитувчилари ўз педагогик фаолияти самарадорлигини оширишда

фойдаланишлари мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Профессионал таълим муассасаси ўқувчиларининг касбий маданиятини компетенциявий ёндашув асосида ривожлантириш бўйича олинган илмий тадқиқот натижалари асосида:

профессионал таълим муассасаси ўқувчилари касбий маданиятининг мотивацион-кадриятли, когнитив, фаолиятли компонентларини компетенциявий ёндашув асосида ривожлантириш имкониятларини психологик омиллар ва педагогик шарт-шароитларнинг узвийлигини таъминлаш орқали такомиллаштириш, касбий компетентликнинг юқори даражасини ифодаловчи интегратив сифат – “касбий маданият” тузилмаси ва мазмуни, тавсифларини компетенциявий нуқтаи назардан аниқлаш, касбий маданиятни ривожлантириш методологияси, назарияси ва амалиёти бирлигини илмий-методик жиҳатдан таъминлашга оид таклифларни ўз ичига олган профессионал таълим муассасалари учун “Педагогик технологиялар” номли ўқув қўлланмаси ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган (Олий ва ўрта махсус таълими вазирлигининг 2021 йил 01 мартдаги 110-сонли буйруғи). Мазкур ўқув қўлланма профессионал таълим муассасаси ўқувчиларининг касбий маданиятини мотивацион-кадриятли, когнитив ва фаолиятли компонентларини ривожлантиришга хизмат қилган;

профессионал таълим муассасаларида ўқувчиларнинг касбий маданиятини компетенциявий ёндашув асосида ривожлантиришнинг методик модели шахсининг ижодий имкониятларини фаоллаштиришнинг илғор ғояларига асосланиб ишлаб чиқилган, касбий маданиятни ривожлантириш концепцияси, қонуниятлари ва тамойилларини аниқлаш ва лойиҳалаш технологиялари асосида таъминлашга қаратилган “Ўқувчиларнинг касбий маданиятини шакллантириш технологияси” номли услубий қўлланма ишлаб чиқилган ва таълим жараёнида жорий этилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 16 июндаги 89-03/2086-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма профессионал таълим муассасаси ўқувчиларининг касбий маданиятини ривожлантиришга хизмат қилган;

профессионал таълим муассасалари ўқувчиларининг касбий маданиятини компетенциявий ёндашув асосида ривожлантириш жараёнида ўзини ўзи ривожлантириш ва такомиллаштиришга мотивация уйғотиш, профессионал таълим муҳитининг барқарар ривожланиши ва бўлажак мутахассиснинг шахсий-касбий шаклланишини таъминловчи таълим-тарбия дастурини ўз ичига олган дастурий маҳсулот ва методик қўлланмалар ишлаб чиқилган ҳамда Чирчиқ, Қарши ва Наманган саноат касб-ҳунар коллежларининг таълим жараёнига жорий этилган (Олий ва ўрта махсус таълими вазирлигининг 2020 йил 16 июндаги 89-03/2086-сон маълумотномаси). Мазкур ишлаб чиқилган дастурий маҳсулот ва методик қўлланмалар профессионал таълимда махсус курслар мазмуни, ўқитиш методикаси ва педагогик тажриба-синов ишларининг сифат даражасини оширишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий-услубий иш, шу жумладан, 3 та ўқув қўлланма, 1 та услубий қўлланма, 1 муаллифлик гувоҳномаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган. Илмий нашрларда жами 8 та мақола, шу жумладан, 5 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 156 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати илмий асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети аниқланган, ишнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ҳамда амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар, шунингдек диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Профессионал таълим муассасалари ўқувчиларининг касбий маданиятини компетенциявий ёндашув асосида ривожлантиришнинг илмий-назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида илмий-педагогик манбаларда “касбий маданият” тушунчасининг мазмуни ва моҳияти талқини, профессионал таълим жараёнида компетенциявий ёндашув - ўқувчиларда касбий маданиятни ривожлантиришнинг асоси сифатида, профессионал таълим жараёнида ўқувчиларда касбий маданиятни ривожлантиришга таъсир кўрсатувчи омиллар ва педагогик шарт-шароитлар аниқланган.

Компетенциявий ёндашув асосида профессионал таълим муассасаси ўқувчиларининг касбий маданиятини ривожлантириш муаммосини тўла, ижобий ҳал қилишда ҳамда таянч тушунчалар ва уларнинг мазмунидан хабардор бўлиш талаб этилади. Хусусан, “компетенция”, “компетентлик”, “компетенциявий ёндашув”, “касбий маданият” ҳамда “ривожланиш” тушунчаларнинг педагогик тавсифи муаммони ҳал қилишга қаратилган илмий-педагогик фаолиятни тўғри ташкил этиш, тажриба-синов ишларини муваффақиятли олиб бориш, энг муҳими, тадқиқотни ташкил этишда самарадорликка эришиш имкониятини яратади. Шу сабабли тадқиқотни олиб бориш даврида масаланинг бу жиҳатига алоҳида эътибор қаратилган.

“Компетенция” тушунчасини шундай таърифлаш мумкин: профессионал таълим муассасаси битирувчисининг шахсий сифатлари ҳамда билим, кўникма, малака ва иш тажрибаси асосида касбий фаолият функцияларини самарали бажаришда қўллаш олиш қобилияти.

Компетенциявий ёндашув асосида профессионал таълим муассасаси ўқувчиларининг касбий маданиятини ривожлантиришга йўналтирилган тадқиқотни олиб бориш жараёнида бўлажак мутахассис сифатида битирувчиларнинг таянч ва касбий компетенцияларни ўзлаштира олиши зарур, деган фикрга келинди. Бунда таянч ва касбий компетенциялар мажмуи шакллантирилди.

Тадқиқот даврида компетенциявий ёндашув асосида профессионал таълим муассасаси ўқувчиларининг касбий маданиятини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш муаммоси қўйидаги таянч компетенциялар воситасида таҳлил қилинди: ижтимоий-маданий (фуқаролик ҳолати, масъулиятлилик, ижтимоий-қадриятли йўналиш, ўзаро муносабатлар тизимида бошқа кишилар билан ўзаро муносабатлар, жамоада ишлаш қобилияти ва бошқалар), шахсий (рефлексив қобилияти, касбий ва шахсий ўз-ўзини шакллантириш, ўз-ўзини англаш ва ҳоказо), ахборот (турли манбалардан ахборотни излаш ва таҳлил қилиш қобилияти, билимларни кенгайтириш, янги ғояларни излаш ва бошқалар), фаолиятли (ижтимоий ва касбий муаммоларни ва турли мураккабликдаги касбий вазифаларни ҳал қилиш, бошқаларга самарали ечимларни етказа олиш қобилияти ва бошқалар).

Касбий компетентлик – инсоннинг ижтимоий меҳнат тизимидаги махсус фаолиятини тавсифловчи, баҳоловчи сифат бўлиб, у қўйидагиларни ўз ичига олади: бажариладиган вазифалар ва муаммолар моҳиятини чуқур тушуниш; соҳада мавжуд тажрибани яхши билиш, уни яхши ўзлаштириш; аниқ жойда ва аниқ вақтда тегишли восита ва ҳаракат усуллари танлай олиш; эришиладиган натижа учун жавобгарлик ҳисси; хатолардан хулоса чиқариш ва мақсадга эришиш жараёнига тузатишлар киритиш.

“Компетенция”, “касбий компетентлик” тушунчалари “кўникма” тушунчаси билан чамбарчас боғлиқдир. Бинобарин, шахсга нисбатан “кўникма” деган атамани қўллаганда, унинг меҳнат функцияларини бажаришга тайёрлиги назарда тутилади. Малакавий хусусиятлар мутахассиснинг ишлаб чиқариш талабларига мос келувчи касбий сифатларини белгилайди. Шу сабабли касбий компетентли мутахассис (мазкур тадқиқотда битирувчи) ушбу малака талабларга мос бўлиши керак.

Компетенциявий ёндашув ўз моҳиятига кўра, таълим жараёнида мавжуд бўлган, бироқ, ҳанузга қадар ўз ечимини топмаган бир қатор муаммоларни профессионал таълими назарияси ва амалиёти учун аҳамиятли бўлган инновацион технологиялар ёрдамида ечишга қаратилган ҳаракатни ифодалайди. Шу жиҳатдан компетенциявий ёндашув ўзида таълимда юз бераётган инновацион жараёнларни мужассамлаштиради. Ушбу ёндашув кўпгина ривожланган давлатлар таълим стандартининг умумий концепциясига мос ҳолда таълим мазмунини янгилаш, унинг сифатини назорат қилиш компетенциявий ёндашув тизимида ўтиш билан бевосита боғлиқ.

Мазкур ёндашувда таълим жараёнига эмас, балки унинг натижасига, таълимда ўқитувчи ролининг ўзгариши ва шу билан таълимни ташкил этиш

ва унинг натижасини баҳолаш методларининг ўзгаришга эътибор қаратилади. Бундан ташқари, компетенциявий ёндашув таълимнинг амалий йўналганлигини кучайтиришни назарда тутди. Мавжуд билимларнинг аҳамиятига кўра улардан амалда фойдаланишга кўпроқ урғу берилди.

Қиёсий таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, компетенциявий ёндашув бозор шароитларига кўпроқ мос келади, у касбий билим, кўникма, малакаларни шакллантириш билан бир қаторда, юқори, махсус ва инновацион технологияларни эгаллаш, бўлажак мутахассисларда ҳозирги давр бозор иқтисодиёти талаблари асосида умумий касбий тайёргарлик ва қобилиятини ҳам ривожлантиришни кўзда тутди. Шунингдек, компетенциявий ёндашувни жорий этиш таълимнинг таълимий ва ривожлантирувчи вазифалари, бўлажак мутахассис шахсини тарбиялаш жараёнида унинг маънавий ва ахлоқий ривожланиши, юксак психологик барқарорлик ва ижтимоий фойдали меҳнатга тайёрлигини ҳам назарда тутди.

Компетенциявий ёндашув асосида профессионал таълим муассасалари ўқувчиларининг касбий маданиятини ривожлантиришга йўналтирилган тадқиқотни олиб боришда “маданият” ҳамда “касбий маданият” тушунчаларининг педагогик талқини ҳам ўрганилди.

Касбий маданият - касбий фаолиятга доир билим, кўникма, малакаларни ўзлаштириш натижасида ортирилган тажриба, касбий компетентлик эса ушбу тажрибадан касбий фаолият жараёнида фойдаланишдир.

Профессионал таълим муассасаси ўқувчиларининг касбий маданиятини ривожлантириш - тегишли таълим муассасаси ўқувчиларининг юқори даражада интеллектуал, психологик, физиологик, маънавий-ахлоқий етук бўлишларини таъминлаш, уларда касбий фаолиятга ижобий муносабатни шакллантириш, касбий компетентлик сифатларга эга бўлишларига эришиш мақсадида ташкил этиладиган педагогик жараёндир.

Компетенциявий ёндашув асосида профессионал таълим муассасаси ўқувчиларининг касбий маданиятини ривожлантириш - ўқувчиларда касбий компетентлик сифатларини тарбиялаш, касбий фаолиятга ижобий муносабатни қарор топтиришнинг устуворлиги асосида уларнинг юқори даражада интеллектуал, психологик, физиологик, маънавий-ахлоқий етук бўлишларини таъминлашга йўналтирилган педагогик жараён. Мазкур жараённинг самарали ташкил этилиши унинг ташкилий, методик ва амалий жиҳатларига боғлиқ.

Профессионал таълим муассасаси ўқувчилари таълим даври (икки йил давоми)да касбий малакаларни ўзлаштиришга тайёр бўлиш тоифалари бўйича профессионал таълим муассасаси битирувчилари ўзлаштириши зарур бўлган малакалар ўқувчиларининг касбий маданияти негизида акс этадиган касбий сифатлар тизимини аниқлашга имконият яратади. Тадқиқот даврида қуйидаги компетентли дастгоҳчи мутахассисининг касбий сифатлари профессионал таълим муассасаси ўқувчиларининг касбий маданияти негизида акс этиши зарур, деган хулосага келинди.

Юқорида қайд этилган профессионал таълим муассасаси

Ўқувчиларининг касбий маданияти негизида акс этувчи компетентлилик сифатлари қуйидаги тавсифга эга (1-жадвал).

**1-жадвал**


**Профессионал таълим муассасаси ўқувчиларининг касбий маданияти негизида акс этувчи компетентлик сифатларининг тавсифи**

№	Касбий маданиятнинг муҳим компетентлик сифатлари	Уларнинг тавсифи
1.	Аниқ фанлар (математик, геометрик, физик)га оид билимлар	Ўқувчилар: кинематика, термодинамика, электротехника, хавфсизлик қоидалари, вентиляция ва совитиш тизимига, касбий вазифаларни бажариш билан боғлиқ ҳисоб-китобга оид билимларни ўзлаштиради; металлларни қирқиш бўйича меъёрий ўлчамларни билиш; кинематик ва плазмали иситиш қурилмаси схемаларни ўқий олиш имкониятига эга бўлади
2.	Махсус билимлар	Ўқувчилар: металлларининг хусусиятларини, қайта ишлашнинг технологик оқибатларини, плазмали-механик қайта ишлашга қўйиладиган талабларни, махсус мосламаларни қўллаш шартларига оид ўқув ахборотига эга бўлади
3.	Назорат кўникмаси	Ўқувчилар: дастгоҳ, универсал ва махсус мосламалар, мураккаб деталларни ўрнатиш, созлаш, ишлаш ҳолатини текшириш кўникмалари ўзлаштирилади
4.	Ўлчаш (чамалаш) кўникмаси	Ўқувчилар калибрлаш; метални қирқиш; металдаги ғадир-будирлик (кавалитет) даражасини аниқлаш имкониятига эга бўлади
5.	Конструкторлик қобилияти	Ўқувчилар: универсал, хилма-хил турдаги дастгоҳларни, универсал ва махсус мосламаларни, плазмотронни, назорат-ўлчов асбобларини, плазмали иситгични, мураккаб ва оддий деталларни ўрнатиш кўникмаларига эгалликни намоён қилади
6.	Бошқариш ва фойдаланиш кўникмаси	Ўқувчилар: йирик ўлчамли дастгоҳни бошқариш, плазмотронни қўллаш, назорат-ўлчов асбобларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлади
7.	Технологик қобилият	Ўқувчилар технологик жараёнларнинг моҳиятини англаш, бу жараёнларда самарали ҳаракатланишга тайёр эканликларини намоён қилади
8.	Ахборот маданияти	Ўқувчилар касбий фаолиятга оид янги билимларни излаш, таҳлил қилиш, қайта ишлаш имкониятига эга бўлади
9.	Ижтимоий (коммуникатив) маданият	Ўқувчилар: ўқув машғулотида жуфтликда, кичик ва катта гуруҳларда ишлаш орқали ўзаро бир-бирини тушуниш, бир-бирига ёрдам бериш, бир-бирини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, ўқитувчи, ишлаб чиқариш усталари билан ҳамкорликка эришиш билан сифатларига эгалликни намоён қилади
10.	Рефлексив қобилият	Ўқувчилар: мустақил равишда ўзининг ўқув-билиш ҳамда касбий фаолиятда эришаётган ютуқларини таҳлилий, танқидий баҳолаш имкониятига эга бўлади

Тадқиқот муаммосини ҳал қилишда дастлаб профессионал таълим

муассасаларининг ўқувчиларида намоён бўлиши зарур бўлган компетентлик сифатларини аниқлаб олиш талаб этилади. Муаммо моҳиятини назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш натижасида профессионал таълим муассасаларининг ўқувчиларида аниқ фанлар (математик, геометрик, физик)га оид ҳамда махсус билимларга эгалик, конструкторлик, технологик, рефлексив қобилиятлар, назорат, чамалаш, бошқариш ва фойдаланиш кўникмалари, ахборот, ижтимоий (коммуникатив) маданият каби компетентлик сифатларни шакллантириш уларнинг касбий сифатларини муваффақиятли ривожлантиришга имкон бериши аниқланди.

Назарий таҳлил, тажриба майдонлари бўлган коллежлар, шунингдек, ўқувчилар фаолиятини кузатиш, ўқитувчилар ва ўқувчилар билан суҳбатлар ташкил этиш натижасида қуйидаги тамойилларнинг компетенциявий ёндашув асосида коллеж ўқувчиларининг касбий маданиятини ривожлантиришда устувор ўрин тутишига ишонч ҳосил қилинди (1-расм).



**1-расм. Компетенциявий ёндашув асосида профессионал таълим муассасаси ўқувчилари касбий маданиятини ривожлантиришнинг устувор тамойиллари**

Тадқиқот жараёнида қўлга киритилган назарий ва амалий натижалар профессионал таълим муассасалари (ПТМ) ўқувчиларининг касбий маданиятини компетенциявий ёндашув асосида ривожлантириш моделини ишлаб чиқишга имкон берди (2-расм).

Диссертацион тадқиқот ишининг иккинчи боби “**Компетенциявий ёндашув асосида профессионал таълим муассасалари ўқувчиларининг касбий маданиятини ривожлантириш методикаси**” деб номланиб, компетенциявий ёндашув асосида профессионал таълим муассасаси ўқувчиларининг касбий маданиятни ривожлантиришда интерфаол методлардан фойдаланиш, ўқув топшириқларининг компетенциявий ёндашув асосида ўқувчиларда касбий маданиятни ривожлантиришнинг муҳим омили эканлиги ҳамда компетенциявий ёндашув асосида профессионал таълим муассасаси ўқувчиларида касбий маданиятни ривожлантиришда АКТнинг ўрни масалалари тўғрисида сўз юритилган.

Замонавий шароитда ўқитиш тизимида қўлланилаётган таълим методларини иккита катта гуруҳга ажратиш мумкин: анъанавий ва интерфаол методлар.



## I. МАҚСАД

**Ижтимоий буюртма:** Машинасозлик соҳалари учун компетентли мутахассис-кадрлар тайёрлаш

**Таълим мақсади:** бўлажак мутахассисларни касбий маданиятни компетенциявий ёндашув асосида ривожлантириш

### Объектив (ташқи) омиллар:

таълим муассасаси фаолиятининг ҳуқуқий асоси; таълим ташкилотининг моддий-техник таъминоти; ахборот-технологик таъминоти; ўқув-методик таъминоти

### Субъектив (ички) омиллар:

педагогларнинг касбий компетентлиги; ўқувчиларнинг касбий фаолиятни ўрганишга қизиқиши ва мотивацияси; касбий фаолият асосларини билиш даражаси; касбий кўникма, малакаларга эгаллиги; касбий фаолиятга ижобий муносабати; таълимнинг ишлаб чиқариш билан интеграцияси

Компетенциявий ёндашув асосида

## II. ЖАРАЁН

### Ўқитиш шакли:

- 1) индивидуал,
- 2) жуфтлик,
- 3) жамоавий

### Интерфаол методлар:

“Барча омилларни инобатга ол!” (БОҲО), “Тушунчалар таърифи”, “Венн диаграммаси”, Кейс-стади”, “Балиқ скелети”, “Морфологик қути”, “Блиц-сўров”, “Интерактив ўйин”

### Ўқитиш воситалари:

- 1) Дастурий таъминоти,
- 2) Электрон плакат,
- 3) Электрон глоссарий,
- 4) Ўқув топшириқлар

### Касбий маданият негизидаги компетентлик сифатлари:

аниқ фанлар (математик, геометрик, физик)га оид ҳамда махсус билимларга эгаллик, конструкторлик, технологик, рефлексив қобилиятлар, назорат, чамалаш, бошқариш ва фойдаланиш малакалари, ахборот, ижтимоий (коммуникатив) маданият

## III. НАТИЖА ВА БАҲОЛАШ

Босқичлари

Мезонлари

Даража кўрсаткичлари

- изланиш-йўналиш олиш,  
- тажрибавий-таҳлил,  
- назарий-экспериментал.

-мотвацион-қадриятли,  
-когнитив,  
-фаолиятли.

-юкори (ижодий),  
-ўрта (конструктив),  
-паст (имитацион).

**Натижа:** Касбий маданияти ривожланган мутахассис

КОМПОНЕНТЛАР

ПЕДАГОГИК ШАРТ-ШАРОИТЛАР

2-расм. Профессонал таълим муассасалари ўқувчиларининг касбий маданиятини компетенциявий ёндашув асосида ривожлантириш модели

Тадқиқот даврида “Металларга ишлов бериш технологияси” ўқув фани бўйича компетенциявий ёндашув асосида ўқувчиларда касбий маданиятни ривожлантиришда анъанавий методлар билан бир қаторда интерфаол методларнинг самарали эканлиги аниқланди. Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаоллигини ошириш, уларда мустақил ишлаш кўникмаларини ҳосил қилишда интерфаол таълим методларнинг устуворлигига ишонч ҳосил қилинди.

Тадқиқот жараёнида компетенциявий ёндашув асосида профессионал таълим муассасалари ўқувчиларининг касбий маданиятини ривожлантириш мақсадида туркум интерфаол методлардан фойдаланилди. Хусусан, “Барча омилларни инобатга ол!”, “Тушунчалар таърифи”, “Венн диаграммаси”, Кейс-стади”, “Балиқ скелети”, “Морфологик қути”, “Блиц-сўров” каби интерфаол методлар қўрилган натижага эришишни таъминлади.

Масалан, “Токарлик дастгоҳини бошқариш” мавзусини ўрганишда “Барча омилларни инобатга ол!” деб номланувчи методдан фойдаланилди. Ушбу метод ўқувчиларнинг янги мавзу бўйича ўзлаштириш даражасини дастлабки баҳолаш мақсадида қўлланилди. Методдан, асосан, назарий машғулотнинг якуний қисмида, шу билан бирга амалий машғулотларнинг асосий қисмида ҳам фойдаланилди. У қўрилган мавзунинг такрорлаш ва мустақамлашга имкон берди.

Тадқиқот жараёнида, шунингдек, Т.Е.Матвеева ҳамда Б.Блум ғоялари асосида профессионал таълим муассасалари ўқувчиларида касбий маданият сифатларини ривожлантиришга хизмат қилувчи ўқув топшириқлари туркуми ишлаб чиқилди. Бинобарин, Т.Е.Матвеева ҳамда Б.Блум ғоялари профессионал таълим муассасалари ўқувчиларида касбий маданият сифатлари бўлган – назорат, чамалаш ҳамда бошқариш ва фойдаланиш малакаси, конструкторлик, технологик ҳамда рефлексив қобилият, ахборот ва ижтимоий (коммуникатив) маданиятни ривожлантиришга имкон беради.

